

4/2024,
iyul-
avgust
(№ 00072)



БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ, УНДИРИШ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ЎТКАЗИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Пардаев Тулкин Насирович

Божхона қўмитаси Божхона институти доценти, иқтисод фанлари номзоди

E-mail: tulkinpardayev65@mail.ru

Фарходов Фаррух Фурқатович

Божхона қўмитаси Божхона институти ўқитувчиси

E-mail: farrux.farhodov@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss4/i14

Аннотация

Мақолада божхона органларининг фискал фаолиятни амалга оширишдаги роли очиб берилган. Ўзбекистон Республикасида божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш жараёнлари таҳлил этилган. Мамлакат фискал барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ривожлантириш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида белгиланган вазифаларни ҳал этишда божхона тўловларини ўрни ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Божхона тўловларини ундириш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Акциз солиғи, божхона тўловлари, божхона йиғимлари, давлат бюджети, импорт божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, ташқи савдо.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСЧИСЛЕНИЯ, ВЗИМАНИЯ И ПЕРЕЧИСЛЕНИЯ ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ В ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ

Тулкин Насирович Пардаев

Доцент таможенного института Таможенного комитета, кандидат экономических наук

Фаррух Фурқатович Фарходов

Преподаватель таможенного института Таможенного комитета

Аннотация

В статье раскрывается роль таможенных органов в осуществлении фискальной деятельности. Анализируются процессы исчисления, взимания и зачисления таможенных платежей в государственный бюджет Республики Узбекистан. Показаны роль и значение таможенных платежей в решении поставленных задач по обеспечению фискальной стабильности страны и ускорению процессов экономического развития. Даны научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию механизма взимания таможенных платежей.

Ключевые слова: Акцизный налог, таможенные платежи, таможенные сборы, государственный бюджет, ввозная таможенная пошлина, налог на добавленную стоимость, внешняя торговля.

SOME ISSUES OF CALCULATION, COLLECTION AND TRANSFER OF CUSTOMS PAYMENTS TO THE STATE BUDGET

Tulkin Nasirovich Pardaev

Associate Professor of the Customs Institute of the Customs Committee, Candidate of Economic Sciences

Farukh Furkatovich Farkhodov

Lecturer at the Customs Institute of the Customs Committee

Abstract

The role of customs authorities in the implementation of fiscal activities is revealed in the article. The processes of calculating, collecting and transferring customs fees to the state budget in the Republic of Uzbekistan are analyzed. The role and importance of customs payments in solving the tasks set in order to ensure the fiscal stability of the country and to accelerate the processes of economic development have been shown. Scientifically based suggestions and recommendations on improving the mechanism of collecting customs fees are given.

Key words: Excise tax, customs payments, customs fees, state budget, import customs duty, value added tax, foreign trade.

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан халқаро савдони ривожланиши, мамлакат импорти таркибининг оптималлашиши ва миллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг такомиллашуви ҳамда унинг миқдорини кўпайиши ташқи иқтисодий фаолиятнинг янада эркинлашувига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётни модернизация қилиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш ва таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармонида мамлакатимизни ривожлантиришни 2030 йилга бўлган стратегиясида мақсадлар ва уларнинг бажарилиши бўйича самарадорлик кўрсаткичлари белгиланди. Унда:

46-мақсад. “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш”

-2030 йилда самарадорлик кўрсаткичи: консолидациялашган бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 %дан ва келгуси йилларда 3 %дан паст бўлган миқдорда бўлишини таъминлаш” каби Ўзбекистон Республикасида фискал барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ вазифалар белгиланди [1].

Юқоридаги мақсадларга, жумладан давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришда божхона органлари томонидан божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш жараёнларидаги муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш ва божхона тўловларини ундириш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар бериш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан биридир. Чунки, божхона органлари божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда божхона тўловларини ундириш орқали

давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантиришда бевосита иштирок этиб, ўзининг фискал вазифасини бажаради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Божхона тўловларининг мазмун-моҳияти ва уларни ташқи савдони тартибга солишда қўллашнинг назарий асослари бўйича дунё олимлари турлича фикрларни билдириб ўтишган. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамыз:

Д.А.Слепов ва Е.В.Чуйковларнинг назарида божхона тўловлари бу божхона органлари ходимлари томонидан ҳисобланадиган ва федерал бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдирувчи манбадир [2. с.192].

В.Ю.Жуковецнинг фикрича, божхона тўловлари деганда, товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда божхона органларига мажбурий равишда, шахс томонидан тўланиши керак бўлган барча тўловларнинг йиғиндиси тушунилади [3.с.98].

О.Ю.Бакаев божхона тўловларига «Белгиланган тартибда божхона органлари томонидан ундириладиган ва товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда тўланадиган солиқ ва бюджетга тушадиган солиқ ва солиқдан ташқари тушумлар вазифасини бажарадиган мажбурий тўловлардир»,- деб ўз таърифини берган [4.с.28].

Амалга оширган илмий тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, В.Г.Свинухов ўзининг икки илмий ишида божхона тўловларига бир-биридан фарқ қилувчи иккита мутлақо бошқа-бошқа таърифларни берган. Жумладан, у ўз илмий-тадқиқот ишларининг бирида, божхона тўловлари бу товарларни олиб кириш ёки экспорт қилишда божхона органлари томонидан олинадиган ва товарларни олиб кириш ёки экспорт қилишнинг зарурий шarti бўлган мажбурий тўлов сифатида деб таъриф берган бўлса, худди шу муаллифнинг ўзи ўзининг бошқа бир асарида божхона тўловлари тушунчасига таъриф берар экан, «божхона тўловлари божхона органлари томонидан олинадиган, божхона чегаралари орқали товарларни олиб ўтиш билан бевосита боғлиқ бўлган солиқлар ва йиғимлардир, дея таъкидлайди. Шу билан бирга, уларни тўлаш божхона процедураларини қўллашнинг муҳим шартидир»,- деб кўрсатиб ўтган [5.с.251].

Шу ўринда, бизнинг фикримизча, божхона тўловларига нисбатан берилган таърифларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг умумий кесишув нуқталари, умумий жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари ва юқоридаги тарихий тараққиётда ўз ўрнига эга бўлиб борган божхона тўловларига уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ифодаловчи таърифни беришга уриниш маълум бир аҳамиятга эга. Бизнингча, юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда божхона тўловларига уларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи қуйидаги энг содда таърифни беришимиз мумкин: Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар-моддий бойликлар учун Давлат бюджетининг даромадлар қисми учун ундириладиган тўловлар божхона тўловлари дейилади[6.277б.].

Бизнинг фикримизча, божхона тўловларига нисбатан берилган ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини яна тўлиқроқ очиб беришга хизмат қиладиган бу таърифимиз, аввало, ўзининг соддалиги, оддийлиги, тушунарлилиги ва моҳиятни ўзида тўлиқ ифодаланганлиги билан юқорида берилган ўзгача таърифлардан фарқланади.

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда Божхона тўловлари мавзусидаги илмий ва амалий адабиётлар, шу жумладан Ўзбекистондаги ва хорижий муаллифларнинг ишлари ўрганилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлил қилинди.


Божхона қўмитасининг охириги 5 йиллик божхона тўловлари бўйича статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил усулларидадан фойданолди.

Таҳлил ва натижалар

Божхона тўловлари божхона чегараси орқали ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан товарлар олиб ўтилганда ундириладиган мажбурий тўлов бўлиб, товарлар олиб ўтишнинг асосий шарти ҳисобланади. Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари билан тартибга солиш орқали ташқи савдонинг самарали таркибини таъминлаш, ички товарларни ишлаб чиқарувчиларни чет элнинг носоғлом рақобатидан ҳимоялаш, Давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантириш каби вазифалар бажарилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, божхона тўловларини тўлаш мажбурияти товар божхона тўловларини тўлаш назарда тутилган божхона режимига жойлаштирилганда ва товарлар эркин муомалага чиқариб юборилганидан кейин божхона назоратини амалга ошириш натижасида божхона тўловлари қўшимча ҳисобланган тақдирда юзага келади.

Божхона тўловини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш босқичларини ўз ичига олган жараён божхона тўловларини ундириш механизми дейилади. Божхона тўловларини ундириш механизми Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, божхона тизими ташкил этилган пайтдан бошлаб такомиллашиб келмоқда. Республика ҳудудига импорт қилинаётган товарларнинг божхона қийматини аниқлашни такомиллаштириш, божхона тўловининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши бўйича амалга оширилган ишлар шулар жумласидандир.

Натижада божхона органлари томонидан давлат бюджетига ўтказилаётган тушумлар миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2023 йил мобайнида Давлат бюджетига 58,4 трлн. сўм божхона тўловлари ўтказилган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан (41,3 трлн. сўм) 3,4 баробарга кўпайган. (1-расм).



1-расм. Божхона органлари томонидан Давлат бюджетига ўтказилаётган божхона тўловларининг йиллар кесимида таҳлили (трлн.сўм)¹

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2019-2023 йилларда божхона тўловлари тушумининг Давлат бюджети даромадлар қисмидаги улушининг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, бу даврда унинг улуши 9,7 %га ошган. Буни қуйида келтирилаган 1-жадвал маълумотларидан ҳам кўрсаткич бўлади.

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р				
		2019	2020	2021	2022	2023
1.	Давлат бюджети даромадлар қисмида божхона тўловлари тушу-мининг улуши	15,3	18,6	20,2	22,8	25,2

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида божхона тўловлари тушумининг Давлат бюджети даромадлар қисмидаги улуши динамикаси, %да²

Божхона тўловларини ўсишига: импорт товарларининг ҳажмини кўпайиши, товарларнинг божхона қийматини аниқланишини такомиллашганлиги, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллашганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2019-2023 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби ўзгаришининг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, 2023 йилда Давлат бюджети даромадига ўтказилган жами божхона тўловлари таркибида: қўшилган қиймат солиғи 80,0 фоизни, импорт божхона божи 16,0 фоизни, акциз солиғи 0,1 фоизни, божхона йиғимлари ва бошқа тўловлар 3,9 фоизни ташкил этган. Ҳолбуки, 2019 йилда бу кўрсаткичлар, мос равишда, 78,5%, 13,5%, 4,6% ва 3,4 % бўлган эди.

Бу йилларда жами Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркибида акциз солиғи 4,5 % га камайган ва аксинча, импорт божининг улуши 2,5 % га, қўшилган қиймат солиғи 1,5 фоизга, божхона йиғимлари ва бошқа тўловлари 0,5 фоизга ошган (2-жадвал).

Т/р	Божхона тўловлари турлари	Й и л л а р				
		2019	2020	2021	2022	2023
1.	Қўшилган қиймат солиғи	78,5	79,8	82,1	84,1	80,0
2.	Импорт божхона божи	13,5	14,3	14,3	12,5	16,0
3.	Акциз солиғи	4,6	3,7	0,9	0,7	0,1
4.	Божхона йиғимлари ва бошқа тўловлар	3,4	2,2	2,6	2,7	3,9
Жами		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан Давлат бюджети даромадларига ўтказилган божхона тўловлари таркибининг ўзгариши, (%да)³

² Жадвал муаллифлар томонидан Божхона қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

³ Жадвал муаллифлар томонидан Божхона қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Божхона кодексининг 328-моддасига мувофиқ, тўланган божхона тўловларидан олинган маблағлар товарлар чиқариб юборилган кундан ёки тўланиши божхона расмийлаштирувига боғлиқ бўлмаган божхона тўловлари учун божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилган кундан эътиборан беш иш куни ичида божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.

Давлат бюджетига ўтказиш ҳудудий божхона бошқармалари томонидан Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ғазначилигига тақдим этилган ғазна мемориал ордерлари асосида амалга оширилади.

2022 йилдан бошлаб божхона тўловларини Давлат бюджетига ўтказишда асос бўлиб хизмат қилувчи ғазна мемориал ордерларининг қоғоз шаклидан воз кечилиб, ғазна мемориал ордерлар Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ғазначилигига электрон тарзда юборилиши амалиётга жорий этилди. Бу эса ўз навбатида божхона тўловларини Давлат бюджетига ўтказиш жараёнларини ўз вақтида ўтказилишини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Бироқ, бугунги кунда Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган божхона тўловларини ҳисоблаш ва электрон ғазна мемориал ордерларини яратиш инсон омилига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Жумладан, божхона тўловларини Давлат бюджетига ўтказиш учун ҳудудий божхона бошқармаси ходими дастурдан ундирилган божхона тўловларини юклаб олиши ва керакли жадвал шаклига ўтказган ҳолда дастурга қайта юклаши лозим. Мазкур жараёнда ходим томонидан божхона тўловларининг жадвал шаклидаги рўйхатида бир қатор амаллар олиб борилиши лозим. Бу эса инсон омилига боғлиқ ҳолда хато ва камчиликлар пайдо бўлиши хавфини юзага келтириши билан бир қаторда ортиқча вақт сарфланишига ҳам олиб келади.

Божхона тўловларини Давлат бюджетига ўтказилиш жараёнини оптималлаштириш бўйича Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган божхона тўловларини ҳисоблаш ва электрон ғазна мемориал ордерларини яратиш дастур томонидан амалга оширилиши таклифи киритилади.

Божхона кодексининг 328-моддасига мувофиқ, божхона тўловлари божхона органларининг қонунчиликка мувофиқ шу мақсадлар учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига тўловчи томонидан тўланади.

Тўланган ва ундирилган божхона тўловларининг ҳисоби божхона органларининг ахборот тизимида юритилади.

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган божхона тўловлари уларнинг ЖШШИР (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами) рақамига очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига келиб тушади. Бу жараёнда жисмоний шахс томонидан тўлов тизимлари орқали божхона тўлови амалга оширилаётганда ЖШШИР рақам хато киритилиши оқибатида тўланган божхона тўловлари божхона органларининг ахборот тизимида нотўғри реквизитлар билан кўриниши ёки умуман кўринмаслик ҳолатлари пайдо бўлади.

Давлат тассаруфидаги ташкилотлар божхона тўловларини ҳудудий ғазначилик бошқармалари томонидан амалга оширади. Бунда тўланган божхона тўловлари ташкилотнинг божхона органларидаги шахсий ғазна ҳисобварақасига эмас (ташкилот СТИР – Солиқ тўловчининг идентификация рақами), балки Молия вазирлиги ғазна

ҳисобварақасига ёки ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк ғазна ҳисобварақасига келиб тушади. Мазкур божхона тўловлари ҳудудий божхона бошқармаси томонидан ҳар сафар дастур орқали ташкилот шахсий ғазна ҳисобварақасига ўтказиш заруриятини туғдиради.

Шунингдек, бугунги кунда божхона тўловларидан қочишнинг энг асосий схемаларидан бири бу инвойсларни қалбакилаштириш ёки сохта инвойслар тақдим этиш ҳисобланади. Бу орқали қонунбузарлар божхона тўловларини кам тўлашни мақсад қилиб фактура қийматлари, ТИФ ТН кодлари ва товарларнинг келиб чиқиш мамлақати тўғрисидаги маълумотларни сохталаштиришади.

Товарларни эркин муомалага чиқарилгандан кейин божхона тўловларидан қарздорликни келиб чиқиш йўналишларининг 2019-2023 йиллар кесимидаги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарларни божхона қийматини нотўғри белгилашда ва имтиёзлар нотўғри қўлланилиши бўйича қўшимча ҳисобланган қарздорликларини асосий қисмини ташкил қилган. Шу билан бирга товар келиб чиқиш сертификати бўйича қўшимча ҳисобланган қарздорликлар йилдан-йилга ошганини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

Т/р	Келиб чиқиш йўналишлари	Й и л л а р				
		2019	2020	2021	2022	2023
1.	Имтиёзлар нотўғри қўлланилиши	56,7	63,4	25,0	44,1	40,60
2.	Божхона қиймати нотўғри белгиланиши	11,7	16,4	45,5	37,4	33,72
3.	Товар келиб чиқиш сертификати бўйича	5,4	7,6	8,0	4,4	9,98
4.	ТИФ ТН коди нотўғри белгиланиши	20,2	5,2	15,5	6,6	4,85
5.	Бошқа ҳолатлар	6,3	7,4	6,0	7,5	10,85
Жами		100,0	100,0	100,0	100,0	100

3.-жадвал.Божхона органларида қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини келиб чиқиш сабаблари таркиби(%да)⁴

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, имтиёзлар нотўғри қўлланилиши, товарларни божхона қийматини белгилашда, товар келиб чиқиш сертификати ва ТИФ ТН коди нотўғри белгиланиши бўйича қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари аниқланишининг асосий қисми инвойсларни қалбакилаштириш ёки сохта инвойслар тақдим этиш орқали амалга оширилган. Божхона органларининг асосий мақсадлари бири бу - божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлардан божхона тўловлари ўз вақтида ва тўғри тўланишини таъминладир.

Божхона тўловларидан қочиш нафақат давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатади, балки ички бозорни нотўғри рақобатдан ҳимоя қилишга жиддий таъсир қилади. Қалбаки инвойслар ва сохта ҳужжатлар орқали бозордаги адолатли рақобат бузилади. Бу эса иқтисодиётнинг барқарорлигига, божхона тўловларининг тўлиқ ундирилишига ва давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатади.

Импорт-экспорт маълумотларини солиштириш орқали ушбу ҳуқуқбузарликларни аниқлаш жуда кўп вақт ва энергия талаб қилинади. Мавжуд аниқлаш методлари баъзи муҳим жиҳатларни эътибордан четда қолдирмоқда, чунки ҳужжатлар кўпинча қоғоз шаклида бўлади ва уларни қўлда текшириш керак. Бу эса инсон хатоларга йўл қўйиш мумкинлигини англатади.

Божхона тўловларини тўлиқ ва тўғри ундирилишини таъминлаш ва ташқи савдо божхона статистикаси маълумотларидаги ноаниқликларни аниқловчи “Mirror-Trade” дастуридан фойдаланиш таклиф этилади. Бу дастур орқали божхона тўловлари тўлиқ ундирилиши, божхона тўловларини тўлашдан қочиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлашнинг самарали тизими яратилади.

“Mirror-Trade” дастурининг имкониятлари:

Автоматлаштирилган таҳлил: Дастур маълумотларни автоматлаштирилган равишда таҳлил қилади, бу эса инсон хатоларини камайтиради ва тезкорликни оширади.

Ахборотлар базаси: Дастур импорт-экспорт маълумотларини кенг қамровдаги ахборотлар базасида сақлайди ва солиштиришни осонлаштиради.

Мақсадли текширувлар: Дастур орқали аниқланган ноаниқликларни махсус текширувлар учун мақсадли равишда танлаб олиш мумкин.

Реал вақт режимида ишлаш: “Mirror-Trade” дастури реал вақт режимида ишлайди, бу эса ҳуқуқбузарликларни аниқлаш жараёнини тезлаштиради.

Ҳамкорлик имкониятлари: Дастур божхона органлари билан ахборот алмашинувини яхшилади, бу эса ҳуқуқбузарликларни самарали аниқлаш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар

Илмий тадқиқотни бажариш жараёнида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг дастлабки пул маблағларини тўлаш жараёнларини оптималлаштириш бўйича қуйидаги таклиф киритилади:

1. “Customs pay” мобил иловасини ишлаб чиқиш. Бунда:

- Жисмоний шахслар мазкур тўлов тизимидан рўйхатдан ўтиши, рўйхатдан ўтиш жараёнида резидентлар учун “ONE ID” тизимдан маълумотлар интеграциясини таъминлаш. Норезидентлар учун рўйхатдан ўтиш якуни бўйича индивидуал рўйхат рақамини бериш тартибини жорий этиш. Шунингдек, норезидентлар томонидан божхона тўловларини тўлаш жараёнини соддалаштириш учун мобил иловани халқаро тўлов тизимлари билан интеграциясини таъминлаш.

- Юридик шахслар томонидан электрон рақамли имзо орқали рўйхатдан ўтишни таъминлаш. Божхона тўловларини тўлаш жараёнини қулайлаштириш учун юридик шахснинг тижорат банкдаги асосий ҳисоб рақами билан интеграцияни амалга ошириш.

- Мобиль илова орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг дастлабки пул маблағларини тўлаш, ҳаракатлантириш ва қайтариш бўйича барча операцияларни амалга ошириш имкониятини яратиш.

2. Божхона тўловларидан қочиш ва инвойсларни қалбакилаштириш жуда жиддий муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш учун самарали чоралар кўриш лозим. “Mirror-Trade” дастурини жорий этиш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш орқали божхона тўловларини тўлиқ ва тўғри ундирилиши, ҳамда божхона ҳуқуқбузарликларини самарали аниқлаш мумкин бўлади. Бу эса давлат бюджетига

тушумларни оширишга, иқтисодиётни барқарорлаштиришга ва адолатли рақобатни таъминлашга ёрдам беради.

Юқоридаги таклифларни инобатга олиб, божхона тўловларини Давлат бюджетига ўтказиш ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг дастлабки пул маблағлари ҳаракатланишида ахборот технологияларни қўллашни такомиллаштириш, божхона тўловларини давлат бюджетига ўтказиш жараёнларида қулайликлар яратади ва бу жараёнларни сарф қилинадиган божхона ходимларининг вақти тежалишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармони.

2. Слепова Д.А., Чуйкова Е.В. Таможенные платежи, исчисляемые таможенными представителями как источник формирования доходов федерального бюджета Российской Федерации. Экономика и управление: новые вызовы и перспективы. 2016;(11):192–196.

3. Жуковец В.Ю. Таможенное право в вопросах и ответах. М.2005. с 98.

4. Бакаева О.Ю. Правовое регулирование финансовой деятельности РФ. Саратов.2005 с28.

5. Свинухова В.Г. Таможенное дело. М.2005 г. С.251.

6. Пардаев Т.Н. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида божхона тўловларини қўллашни такомиллаштириш истиқболлари. Ж.Иқтисодиёт ва таълим./ 2022 йил 2-сон.277 б.